



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий 14 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг самимий муносабати ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиши бунга асос бўлмоқда.

Президентларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган саммитлари доирасидаги учрашувларида алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга келишиб олинди. Ҳозирда барча соҳаларда шерикликни кенгайтиришга қаратилган “йўл харита”лари тайёрланмоқда.

2022 йил 20-21 февраль кунлари Техрон шаҳрида Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий

ва илмий-технавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимиздан олти кишилик юқори даражали делегация иштирок этди. Бу икки давлат муносабати тарихида Эронга ташриф буюрган энг йирик Ўзбекистон делегацияси бўлди.

Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган майдонда Эрон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни кутиб олди. Икки мамлакат етакчилари шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Эрон давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар фахрий қоровул олдидан ўтиб, ҳарбий хизматчиларни қутладилар. Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари қатнашди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — МЎЎУЛИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух билан учрашув ўтказди.



Учрашув аввалида давлат раҳбарлари дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан бир-бирини самимий табрикладилар.

Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларини фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Икки мамлакат Президентлари

жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи қўшма бизнес-форум якунларини юқори баҳоладилар.

▶ Давоми 2-бетда

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ САМАРҚАНДАГА ТАШРИФ БУЮРДИ

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида Хитой етакчисини давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Миллий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 сентябрь кунига мўлжалланган. Шу куни олий даражадаги Ўзбекистон —

Хитой музокаралари бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, Хитой Раиси 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ЎЗА

ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДАГА КЕЛДИ

14 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашида иштирок этиш учун Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Сўнг олий мартабали меҳмон Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ФАОЛЛАШГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни ШХТнинг Самарқанд саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БМТ Бош қотибнинг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш бўйича ўринбосари Розмари ДиКарлони қабул қилди.



Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, долзарб халқаро масалалар, мамлакатимизда

2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бора-сидиги ишлар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Розмари ДиКарло Президент Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ЕВРОСИЁ МАКОНИДА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ

Ҳар қандай халқаро тузилма ҳақида сўз кетганда, даставвал, унинг моҳиятини тўлиқроқ ақс эттирадиган муҳим жиҳатларга урғу берилади. Муайян ўзига хосликларни англаб олиш орқали ташкилот ҳақида умумий тушунчалар шаклланади.

Айни пайтда Ўзбекистон раислик қилаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тавсифлашда, назаримда, “Шанхай руҳи” иборасининг моҳиятини тушуниб олиш ўринли. Зотан, расмий музокараларда ҳам, дипломатлар ва экспертлар, турли доирадаги жамоатчилик орасида ҳам кўпинча, “Шанхай руҳи” тамойили тез-тез тилга олинади.

“Шанхай руҳи” тамойилини амалда таъминлаш, аввало, ШХТга аъзо давлатлар ҳал этиши зарур бўлган энг устувор масала ҳисобланса, иккинчи томондан, ШХТ мамлакатлари биргаликда эришаётган муваффақиятларнинг негизи ҳам айнан “Шанхай руҳи”ни амалда таъбиқ этишга бориб тақалади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — МЎЎУЛИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун кенг имкони-ятлар мавжудлиги таъкидланди. Бу-нинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш, қўшма кооперация, энг аввало, агросаноат соҳасида аниқ лойиҳа ва дастур-ларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алмашинувлар ва ҳудудлараро алоқаларни кенгайти-

ришдан иккала томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Мўғулистон Президенти Ўзбекис-тоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти-даги самарали раислигини қайд этиб, саммит муваффақиятли ўтишини ти-лади.

Учрашув якунида икки мамла-кат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларга тизимли тус бериш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгай-тириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ ФАОЛЛАШГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш-нинг саломини етказиб, у 2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривож-лантириш стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон-нинг БМТ тузилмаларидаги иштироки фаволлашгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатимиз ташаббуси би-лан БМТ Бош Ассамблеясининг мин-тақавий ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқлик-ни илгари суришга қаратилган бешта резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон 2020-2021 йилларда ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё

ЎЗА

КУН МАВЗУСИ

ЕВРООСИЁ МАКОНИДА ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ

Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
Халқ дипломатияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

ШХТнинг ташкил этилиши ва ривожланиши замирида узок мuddатга мўлжалланган самимий ҳамкорлик мавжуд. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилот аъзолари иқтисодий салоҳияти, молия-вий, инсоний ва бошқа имкониятлари бўйича тур-лича бўлса ҳам, тенг асосда ўзаро ҳамкорлик қи-лади. Айнан ушбу жиҳатлар Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳим.

Яқин тарихга назар солсак, Ўзбекистоннинг тинчлик ва фаровонлик, тинч-тотув яшаш, мин-тақавий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш йўлида ум-вий максадларга эришишга оид бир қатор муҳим ташаббуслари ҳамкор давлатлар томонидан қўл-лаб-қувватланганига гувоҳ бўламиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқ диплома-тияси институтларини ташкил этиш гоёсини бугна мисол сифатида қўрсатиш мумкин. Мазкур гоё илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтган ШХТ саммитида илгари сурилган.

Қайд этиш лозимки, Президентишнинг хал-қаро майдондаги ташаббуслари узлуқсиз ва даво-мийдир. Фикримиз тасдиғи сифатида Ўзбекистон томонидан ШХТнинг “Эзгу ният элчиси” институ-тини ташкил этиш ташаббусини қўрсатиш мумкин. Ушбу тақлиф жуда долзарб, чунки у, аввало, ШХТ Низомига, юртимиз тараққиёт стратегиясининг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг, иккинчи то-мондан, эзгу ният элчилари, яъни адабиёт, санъ-ат, фан, музыка, спорт каби халқчил соҳалардаги машхур ва таниқли вакиллардан ташкилотнинг нуфузини оширишда фойдаланилади.

Таъбир жоиз бўлса, “эзгу ният элчиси” ташаббу-сини “халқ дипломатияси воситалари”ни қўллашга оид гоёнинг навбатдаги босқичи, деб талқин этиш мумкин. Шу сабабли Халқ дипломатияси маркази “эзгу ният элчиси” гоёсини халқ дипломатиясининг “машхурлар дипломатияси” тарзидаги энг муҳим воситаси сифатида фаол тарғиб этади.

Сир эмаски, бугунги халқаро муносабатларда жамоатчилик билан бевосита алоқаларни мус-таҳкамлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, турли маданият ва цивилизация вакил-ларининг бир-бирини яхшироқ тушуниши турли халқлар дунёқараши асос бўлган маданий қадри-ятларни ўрганишга кўмаклашади. Қолаверса, за-монавий дунё ҳақиқатлари ҳам халқлар ўртасида-ги яқинлашув зарурлигини тақозо этмоқда.

Табиийки, халқаро муносабатларда жамоатчи-лик эътиборини қозониш учун олимлар, эксперт-лар, турли соҳа вакиллари ва оддий одамлар

ўртасида мулоқотни ташкил этмасдан, янги-янги тақлифлар яратишга қаратилган халқаро форум-лар, анжуманлар, ижодий кечалар, кўргазмалар ўтказмасдан, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик билан шугулланувчи ташкилотлар, ма-салан, миллий маданий марказлар, олий таълим масканлари билан дўстона илмий-амалий алоқа-ларни йўлган қўймасдан эришиб бўлмайди.

Айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ мако-нида шаклланган халқ дипломатияси институти-лари жамоатчилик муносабатларини ШХТ доираси-да янада кенгайтиришининг замонавий амалиёти тарзида қабул қилинди. Дастлаб 2018 йилда юр-тимизда ташкил этилган Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази билан турдош ташкилотлар айна пайтда ШХТга аъзо ақсарият давлатларда ҳам фаолият юритмоқда.

Эътиборлиси шундаки, ШХТ маконида халқ дипломатияси воситаларини тарғиб этишга ка-ратилган мазкур тузилмалар ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилди. Халқ дипломатиясининг ривожланиши халқаро дўстона алоқалар учун қулай муҳит яратиш ва халқлар ўртасида ўзаро ишончни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Назаримизда, фуқаролик жамиятлари ШХТ-нинг таянч кучига айланиши, халқ дипломатияси эса расмий дипломатияга қўшимча таянч бўлиши керак.

Фуқаролик жамияти ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган халқ дипломатияси фаоллиги амал-да тўлақонли ва узлуқсиз ривожланиб борса, ШХТни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва унинг тараққиётига кўмаклашиш борасида ҳам муносиб ўзгаришлар юзага келиши табиий. Марказнинг асосий вазифаси ҳам ишонч ва яхши қўшнчилик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш каби масалаларни қамраб олган. Ушбу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқа-ролик жамияти институтларини ШХТ доирасида-ги интеграция жараёнига жалб этиш йўли билан ташкилотга аъзо давлатлар салоҳиятини янада бойитиш, кўп томонлама ва кўп қиррали ҳамкор-ликни йўлга қўйиш учун янги йўналишларни очиш нуктаи назаридан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг ташқи муносабатлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур жиҳатларни инобатга олган ҳолда, марказ самарали ҳамкор-ликни ривожлантириш, юртимизда амалга ошири-лаётган ислохотлар ҳақида халқаро ҳамжамиятга маълумотларни етказиш мақсадида универсал мулоқот майдонини тақдим этмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Эрон Президентининг ушбу ташрифини тарихий дея баҳолади ҳамда мамла-катларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан қутлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Эрон муноса-батлари янги суръат билан ривожланиб бораётга-ни мамнуният билан таъкидланди.

Музокараларда Президентлар икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисо-дий, инвестициявий, транспорт-логистика ва ма-даний-гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Савдо ва транспорт соҳаларидаги шериклик-ка, мамлакатлар ҳудуди ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар кейинги йилларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаволлашганини қайд этдилар. Савдо кўрсаткичлари ва кооперация лойиҳаларини сони ошиб бормоқда. Ўтган йилда товар айирбош-лаш 73 фоизга, шу йил бошидан эса яна 15 фоизга ошди.

Жорий йилда Ҳукуматлараро комиссиянинг нав-батдаги йиғилиши, бизнес ва фан-инновация фо-румлари ўтказилди, Қўшма инвестиция қўмитаси таъсис этилди.

Икки томонлама савдони янада кўпайтириш, яқин истиқболда товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш учун кенг имкониятлар борлиги қайд этилди.

Шу мақсадда тегишли “йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, имтиёзли савдо тўғри-сида битим имзолаш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, нефть-газ, ку-рилиш материаллари ва металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқларида, фан ва инновациялар

соҳасида бошланган ҳамда ишлаб чиқилаётган кооперация лойиҳалари ҳақида тўхталиб ўтил-ди. Қўшма саноат кластерларини яратиш орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истиқбол-лари кўриб чиқилди.

Транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. “Ўзбекистон — Турк-манистон — Эрон” йўли орқали автотранспорт-да юк ташишни йўлга қўйиш, “Чобаҳор” порти салоҳиятидан самарали фойдаланиш, юклар олиб кирилиши ва транзити шароитларини енгиллашти-риш бу борадаги имкониятларнинг кенгайишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги иқтисо-дий, туризм ва маданий алоқаларни фаволлашти-риш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, Афғонистон мавзуси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Иброҳим Раисий Ўзбекистон Президентини ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Эронга боришга тақлиф этди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музока-ралари самарали ва амалий руҳда ўтди. Учрашув якунида ҳамкорлиқнинг турли соҳаларини қамраб олган 18 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислон Республикаси Президен-ти Иброҳим Раисий Қўшма баёнот имзоладилар. Унда асосий келишувлар қайд этилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш борасидаги узок мuddатли ва-зифалар белгиланди.

Музокаралар якунида икки томонлама битим ва меморандумлар имзоланди. Булар:

— ишбилармонлик ва илмий доиралар вакиллари ҳамда сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартибот-ларини соддалаштириш тўғрисида битим;

— дипломатик паспортлар эгаларини виза та-лабларидан икки томонлама озод этиш тўғрисида битим;

— 2022–2025 йилларда туризм соҳасидаги ҳам-корлик дастури;

— фан, техника ва инновация соҳаларида ўзаро англашув тўғрисида меморандум;

— божхона чегараси орқали товарлар ва транс-порт воситаларининг ҳаракати тўғрисида электрон божхона ахборотини алмашиш тўғрисида мемо-рандум;

— E-TIRra оид электрон ахборотни алмашиш тўғрисида меморандум;

— фан, тадқиқотлар, таълим ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— қишлоқ хўжалиги вазириликлари ўртасидаги битим;

— соғлиқни сақлаш, даволаш, илмий тадқиқот-лар ўтказиш, таълим, фармацевтика ва тиббий ускуналар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида мемо-рандум;

— спорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида мемо-рандум;

— нефть, газ ва нефть-кимё тармоқларидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— “Чобаҳор” порти орқали халқаро юк ташиш-лар ва транзитни амалга ошириш тўғрисида мемо-рандум;

— 2022–2024 йилларда ташқи ишлар вазирилик-лари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;

— бандлик ва меҳнат муносабатлари масалала-ри бўйича меморандум.

Шунингдек, Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбе-кистон Шарқшунослик институти ҳамда Эрон Ар-хив ташкилоти ва Миллий кутубхонаси ўртасида, икки мамлакатнинг Ибн Сино фондлари ўртасида ҳужжатлар имзоланди.

Иброҳим Раисий 15-16 сентябрь кунлари Шан-хай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кен-гашиинининг мажлиси ва бошқа тадбирларда ишти-рок этади.

З.ЖОНИБЕКОВ,
Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

илмий-амалий семинарлар, ижодий кечалар хал-қаро аудитория томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Халқ дипломатияси, энг аввало, турли мил-лат ва мамлакатлар вакилларининг бевосита оммавий мулоқотидир. Расмий дипломатиядан фарқли ўлароқ, халқ дипломатияси оддий фуқа-ролар қатламидан шаклланади, ҳар бир инсон-нинг манфаатларини ҳисобга олади, ҳар бир шахс унинг бевосита иштирокчисига айланади.

Марказ янги гоёларни шакллантириш, мада-ний-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, одамлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасида самарали имкониятлардан фойдаланиб, чуқур ил-диэли миллий аънаналарга йўрилган ўзаро англа-шув кўприқларини барпо этмоқда. Унинг фаолияти бундан буён ҳам маданий-гуманитар алоқаларни, жумладан, таълим, фан, технология ва туризмни янада кенгайтиришга қаратилади. Маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда минтақа халқларининг бой тарихий ва маданий мероси билан яқиндан танишиш бўйича ҳар томонлама ҳамкорлик давом эттирилади. Парламент, ёшлар ва спорт дипломатияси соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирган.

Марказ фаолиятининг инсонпарварлик йўна-лиши турли халқлар ва этник гуруҳлар вакиллари, турли маданий аънаналар ўртасида мулоқот май-донини таъминлашга қаратилади.

Маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, илмий ва ижодий доиралар, аъзо давлатларнинг жамоат ташкилотлари, ШХТдаги кузатувчилар ва мулоқот бўйича ҳамкорлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш, бошлалар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги учун шарт-шароит яратиш марказнинг истиқбол-даги муҳим йўналишлари бўлади.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илм-фан, тарих, фалсафа ва санъат бил-лан яқиндан таништириш мақсадида Марказ та-шаббуси билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада “ШХТ билимлар зали” ташкил этилган. Унда ШХТ мамлакатлари-нинг қўллаб қитлоблари, шу жумладан, маркази-мизнинг нашриёт портфелига тегишли мақол ва маталлар тўплами, Ташкилотга аъзо давлатлар халқларининг эртақлари, жаҳон миқёсидаги олим ва файласуфлар ҳаёти ва меросига оид тўплам кўринишидаги китоблар ўрин олган. Бу йўна-лишдаги изланишлар келгусида ҳам давом этади.

Яқин кунларда марказ қошида ёшлар ва ёш етакчиларнинг ШХТ фаолиятига оид билимларини ривожлантириш мақсадида, миллий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамда уларнинг иштирокини ку-чайтиришга йўналтирилган ШХТ кўнгиллилар “ха-би”ни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Табиийки, мазкур лойиҳаларнинг барчаси Хи-тоининг Яхши қўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик қўмитаси, Евроосиё, Қозоғистон, Қирғизистон,

Россия халқлари ассамблеялари, Тожикистонда-ги ШХТ Дўстлик ва ҳамкорлик маркази, Покистон Тинчлик ва дипломатик тадқиқотлар институти, Беларусь тинчлик жамғармаси, Қирғизистондаги ШХТ маданият ва интеграция маркази ва бошқа қўллаб миллий ва хорижий ҳамкорлар билан бир-галикда амалга оширилади.

Замонавий дунё сайёрамиз халқлари ҳаёти-нинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларида мисли кўрилмаган ўзгаришлар билан бирга жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Дунёда рўй бе-раётган воқеалар бугунги ва келажак авлодлар учун муносиб шарт-шароит яратиш бўйича мам-лакатларнинг биргаликда, ўлчовли ва изчил қа-дамлар қўйишга кўмаклашиш эканлиги бе-жиз эмас. Бу ҳаракатлар тенг ҳуқуқли шерикликка асосланган бўлиб, ШХТга аъзо давлатлар халқла-рининг турмуш даражасини изчил ошириш ва яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг раислиги давомида барча соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли масалаларни кўриб чиқишга қаратилган турли даражадаги 80 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Тадбирларнинг кўн тартиби ҳар бир аъзо давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан келишилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзе-кистон ўз раислиги даврида ШХТ Низомининг мақсад ва таъминлиги ҳақати амал қилган. Бу, биринчи навбатда, барча аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқчилигини, ўзаро тушуниш ва уларнинг ҳар бирининг фикрини ҳурмат қилиш асосида умумий нуктаи назарларни излашни, умумий манфаат-лар бўйича қўшма ҳаракатларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутди.

Албатта, яқин кунларда бутун дунё жамоатчи-лигининг ҳақати Самарқанда қаратилади. Ушбу қадимий шаҳарда Ўтадиган ШХТ саммити Ўзе-кистон учун тўртинчиси бўлади. Илгари бундай муҳим халқаро тадбир 2004, 2010 ва 2016 йиллар-да фақат Тошкент шаҳрида ўтказилган эди.

Пандемиядан кейин 15 та давлат раҳбарлари-нинг юзма-юз учрашиши Самарқанд саммитининг асосий натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари, йиғилишда ШХТ кузатувчи мамлакат раҳбарла-ри ва ҳамкор ташкилотлар — БМТ, МДҲ, КХШТ, ЕОИИ ва бошқа давлатлар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда. Бу эса фикрлар алмашиши, позициялар муштараклигини текшириш, узок mud-датли режаларни тасдиқлаш ва ҳоказолар учун универсал платформадир.

Самарқанд декларациясида мамлакатларнинг энг муҳим минтақавий ва глобал муаммолар бў-йича муқассамлашган позициялари акс этиши кутилмоқда. Минтақавий барқарорлик, хавфсиз-лик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъ-минлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилан берилди.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити ШХТнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш ва Евроосиё маконида ҳамкорлиқни ривожланти-ришда муҳим тарихий босқичга айланади.

ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ ПАЛЛАСИ

Иқтисодиёт ривожда ўзаро манфаатли майдон

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:



— Замонавий Самарқанд узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатлар раҳбарларини илиқ қутиб олган тарихий маскангана эмас, энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий инфратузилма ҳамдир. Замонавийлик ва тарих уйғунлашган бу сўлим шаҳар бугун яна бир катта анжуманга гувоҳ бўлмоқда. Бу ерда дунёнинг 15 та давлати етакчилари ва 10 та халқаро ташкилот раҳбарлари иштирокида нуфузли халқаро саммит бўлиб ўтмоқда.

Саммит кун тартибидан инсониятнинг бугунги кунини ва келажакка дахлдор кўплаб долзарб масалалар ўрин олган. Уларнинг орасида иқтисодий ҳамкорлик масаласини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, 2021 йил якунларига қўра, ШХТга аъзо давлатларнинг ташқи савдоси 8 триллион доллардан ошиб, 33 фоиз ўсди, аъзо давлатлар ўртасидаги ички савдо айланиши эса қарийб 40 фоиз ошиб, 768 миллиард долларни ташкил этди.

Мамлакатимиз ШХТга аъзо давлатларнинг инвестициявий сиёсатини

шақллантириш учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтиришга қаратилган сиёсат юритди. Бундай ташаббуслар қаторида жаҳондаги молиявий ва иқтисодий ўзгаришларни юмшатишга қаратилган ШХТ ишбилармонлар кенгаши фаолияти доирасида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифини алоҳида таъкидлаш мумкин.

ШХТнинг минтақа ичидаги савдонини ривожлантириш дастури ўзаро савдонини янада оширишга ва ташкилотга аъзо барча давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз томонидан таклиф этилган саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури қабул қилиниши ШХТга аъзо давлатлар фаровонлигини оширишга қўшимча туртки бўлади. Бу фойдаланилмаган ишлаб чиқариш салоҳиятини рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва учинчи мамлакатларга қўшилган қийматли маҳсулот экспортини кенгайтиришга ёрдам беради. Бизнингча, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши жуда истиқболли.

ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш концепциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон томонидан таклиф этилган “Йул харитаси” қабул қилиниши эътиборга лойиқ. Бу ШХТнинг транспорт транзити салоҳиятини рўёбга чиқариш, янги минтақавий транспорт йўлакларини шакллантириш ҳамда бозорлар географиясини кенгайтириш бўйича аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, ШХТнинг Самарқанд саммити маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштиришга муваффақ бўлган ноёб тадбирга айланади. Бу Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги руҳининг муҳим ифодаси бўлади.

САММИТ КУН ТАРТИБИДАН ИНСОНИАТНИНГ БУГУНГИ КУНИ ВА КЕЛАЖАКИГА ДАХЛДОР КўПЛАБ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЎРИН ОЛГАН. УЛАРНИНГ ОРАСИДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИШ ЗАРУР.

Очиқ мулоқот ва ишонч муҳити кучаяди

Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:



— Жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган қуролли моjarолар, глобал иқлим ўзгариши, экологик муаммоларнинг чуқурлашиши, ер юзининг аксарият қисмини қамраб олган пандемия кейинги йилларда дунёни ўзгартирди, мураккаблаштирди. Давлатлар бир-бирини тушунишга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга, ҳамжиҳат бўлишга қийналмоқда. Президентимизнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласини ўқиб, бундай чигал вазиятда очиқ, дўстона мулоқот нақадар зарурлигига амин бўлдим. Мақолада дунёдаги мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятнинг мазмунини чуқур таҳлил асосида турли соҳа вакиллари учун ҳам аниқ, тушунарли тарзда очиб берилди. Давлатимиз раҳбарининг фикрларини ўқиган одам Самарқандда ўтаётган саммит тарихий аҳамиятга эга эканини тeранoқ англайди.

Мақолада таъкидланганидек, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишни ва глобал таъминот занжирлари тикланишини мураккаблаштирмоқда. Турли муаммолар инсоният таъқидига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари барқарорлиги, инсонларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши айрим давлатларда жиддий муаммага айланмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, албатта, давлатлар ўртасида очиқ мулоқот ва ҳамкорлик муҳити сусайиб қолгани билан ҳам изоҳланади.

Шу маънода, Самарқанд саммити пандемиядан кейин йиғилиб қолган масалаларни самарали ҳал қилиш учун тарихий имконият, деб қаралмоқда. Президентимиз фикрларидан сезиш мумкинки, бу саммит нафақат ШХТга аъзо давлатлар, муайян минтақа, балки бутун дунёни ўйлантириб турган масалаларга ҳам ечим топишга қўмаклашади. Халқаро экспертлар Самарқанд саммитига алоҳида эътибор билан қараётганининг асосий сабабларидан яна бири, шубҳасиз, кейинги йилларда Ўзбекистон ўзини тинчликпарвар, очиқ ва мулоқотга таянадиган ташаббускор давлат сифатида намоён эта олгани билан боғлиқ. Президентимиз бошчилигида Ватанимиз ташқи сиёсатда, халқаро ташаббусларини илгари суришда, масалаларни биргаликда ҳал қилиш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Дунёда Ўзбекистонга муносабат тубдан ўзгарган, юртимизга ишончли ҳамкор сифатида қаралмоқда.

Ўзмага-юз учрашувларда ўзаро ишонч ришталари чуқурлик бoғланади. Халқимизда “Меҳр кўзда”, деган ибора бор. Демак, кўз-кўзга тушадиган бу мажлисдан катта натижалар қутилиши табиий.

ШХТ саммити доирасида иқтисодий масалалар, ўзаро ҳамкорлик ҳақида фикр алмашилади. Шубҳасиз, ҳар бир етакчи ўз халқи фаровонлиги ва юрт тинчлигини олий мақсад қилиб олган. Демак, биз бу саммитдан халқимизнинг турмуш тарзини яхшилайдиган ва фаровонликка етаклайдиган янги имкониятлар очилишини кутсак бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олишига ишонамиз.



“Самарқанд руҳи” тинчлик ва ҳамжиҳатликка чорлайди

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:

— Инсоният миллионлаб қурбонлар эвзасига мувозанатга эришганди. Бугун эса йирик давлатлар ўз манфаати йўлида шу мувозанатни “ўйин қилаётган” бир вақтда 15 та давлат ва 10 дан ортиқ халқаро ташкилот раҳбарлари жам бўладиган ШХТнинг Самарқанд саммити муҳим хулосалар учун имкониятга айланиши қутилмоқда.

ШХТ Ўзбекистон раислиги даврида, катта ёки кичиклигига қарамасдан, тенг ва манфаатли ҳамкорликдан манфаатдор бўлган дунёнинг ярмини жамлаб, кўплаб давлатлар учун ҳам жозибали ташкилотга айлانгани эътироф этилмоқда. Ушбу эътирофлар билан бирга, Самарқанд саммити қарши коалицияни шакллантириши мумкинлиги ҳақидаги “баҳорат”лар ҳам пайдо бўлди.

Ўзбекистон Президентининг ШХТ Самарқанд саммити мақсади батафсил ёритилган мақоласи ўз вақтида эълон қилинди, бу эса кўплаб таҳминларга жавоб бўлди. Унда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро манфаатли иқтисодий ва сиёсий устуворликларни “Самарқанд руҳи”да умумлаштирилган таклифлари ҳам акс этган.

Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Бугунги реаллик қанчалар мустаҳкам ва кучли бўлмасин, ҳеч ким яққа ҳолда барқарор жамият қура олмаслигини кўрсатиб берди. Яқин тарихда шундай хом-хаёл инсониятни иккита лагерга бўлган ва бир томоннинг тараққиётдан ортда қолиб кетишига олиб келганини дунё ҳамжамияти унутмаган.



Президентимиз халқларимиз яна бўлишни ва тортишиш эмас, қитъалар, минтақалараро транспорт йўлакларини очиш, ўзаро манфаат келтирадиган савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, тараққиёт йўлида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва маданиятлараро дўстона мулоқот талаб қилаётганини ёзди.

Шу нуқтаи назардан, бир неча минг йиллик тарихида борлик ва йўқлиқдан содақот ва ҳиёнатгача барчасини қўрган Самарқандда, унда мангу кўним толган, куч ишлатиш адолатмас, аксинча, адолатнинг ўзи куч эканини васият қилган Амир Темуэр ватани Ўзбекистон заминида дунёда тинчлик ва барқарор тараққиёт руҳи тикланиши керак. Бутун дунё шунга умид қилмоқда.

Экологик муаммолар ечимида янгича ёндашув

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:



— Давлатимиз раҳбарининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласида ҳозирги кундаги геосиёсий ҳолатга баҳо берилиши билан бирга, ташкилотнинг бугунги кунга қадар амалга оширган ишлари ва келгусидаги устувор мақсадлари тўлақоғли очиб берилган. Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари, жозибдорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган тамойиллар баён қилинган. Шу жиҳатдан, ушбу мақолани том маънода сиёсий, ҳуқуқий, самарали халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилувчи тарихий ҳужжат дейиш мумкин.

Мақолада бугунги кундаги экологик масалалар, яъни глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурслар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф жиҳатларини янада яққолроқ кўрсатиб бераётгани тилга олинган. Бу муаммолар инсоният таъқидига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид соляпти, уларнинг даромад манбаларини қисқартиряпти. Бундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Шу боис, глобал экологик муаммоларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Юқорида қайд этилган глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, минтақамизда сув ресурслари тақчиллигининг олдини олиш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда 433 минг гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, сўнгги беш йилда бундай майдон 642 минг гектарга етакзилган. Бунинг натижасида 2021 йилда 2,3 миллиард куб метрдан ортиқ сув ресурслари тежалган.

Мақолада Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг трансформацияси ва юксалиши учун янги стратегик йўналишлар ҳам илгари сурилган. Хусусан, бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича мамлакатимизда муҳим қадамлар ташланди. Ўзбекистонда 2026 йилга бориб, қуёш ва шомол электр станцияларининг умумий қувватини 8000 МВтга етказиш орқали қайта тикланувчи энергия манбаларини фойдаланиш салмоғини 25 фоизга етказиш назарда тутилган. Бунинг натижасида йилга 7 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газни тежаш, атмосферага 12 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газлари чиқишининг олдини олишга эришилади.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида кейинги беш йилда 1 миллиард тул дарахт ва бута кўчати экилиши ҳам глобал муаммоларга, иқлим ўзгаришига миллий ечим бўлади.

Барқарор ривожланиш йўли

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:

— ШХТ қисқа вақт ичида дунё аҳолисининг қарийб ярмини тинчлик ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштирган йирик халқаро ташкилотга айланди. Бугунги кунда ШХТнинг минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлашдаги салмоқли ҳиссаси кундек равшан бўлиб турибди. Бу нуфузли ташкилот терроризм, экстремизм ва сепаратизм таҳдидларига қарши қурашда ҳам катта муваффақиятга эришаётир.

Бинобарин, ШХТга аъзо барча давлатлар — энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиз бўлиб, ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яқши имконият берди.

Ташкилотнинг яна бир эътирофга лойиқ томони, унинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи давлатларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва иштилофли рақибликка йўл қўймаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси ШХТга раислик даврида “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади” шiori остида ҳамкорлиқнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ташкилотга аъзо давлатлар бугун ўзаро ишонч ва яқши қўшничиликни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий,



савдо-иқтисодий, таълим, энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бир қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу эса ўзаро иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ер юзининг сайқали қадимий Самарқанд дунё ҳамжамияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган тарихий шаҳардир. Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Зотан, Самарқанд саммитида қатор муҳим концептуал ҳужжатлар, жумладан, ШХТнинг тадрижий ривожини янги босқичга олиб чиқувчи ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқанд декларацияси қабул қилиниши қутилмоқда.

Цивилизациялар туташган маскан

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари:

— Шу кунларда бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга, Шарқ гавҳари Самарқандга қаратилган. Бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтмоқда, Евроосиёдек улкан минтақанинг муҳим давлатлари раҳбарлари сўнгги уч йилда биринчи марта бир жойга тўпланди.

Юксак даражадаги тадбирда Хитой, Россия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия каби жаҳон ва минтақа етакчи давлатларининг олий вакиллари иштирок этиши уни фоят катта сиёсий воқеага айлантиради. 15 та давлат ва ҳукумат раҳбарлари ва 10 та халқаро ташкилот етакчилари қўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда ўз қўришади. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ШХТ саммитида иштирок этиш билан бир пайтда Ўзбекистонга давлат таширфи билан келмоқда. Иштирокчиларнинг бундай вакиллик таркиби Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва салмоғи ортиб бораётганидан далолат беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласида таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмадаги раислиги дунё микёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос тарихий эврилиш палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда баҳорат қилиш мушкул бўлган янги давр бошланмоқда. Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги хавфли силжишлар шароитида Самарқанд саммитининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Унда ташкилот ривожланишининг истиқболдаги омилларини белгилаб берадиган асосий қарорлар ва қелишувлар қабул қилинади. ШХТ кўп қиррали ҳамкорлик гоёларини илгари сурувчи, ҳеч қандай геосиёсий мақсадларни қўзламаган, ҳеч бир давлатга қарши саъй-ҳаракатларни амалга оширмайдиган ташкилотдир. Ушбу тамойиллар унинг низомида аниқ кўрсатилган ва ташкилотнинг бутун тарихи ушбу қоидаларга қатъий риоя қилинаётганини исботлайди.

ШХТ давлат раҳбарлари йиғилиши ўтказиладиган жой сифатида Самарқанд шаҳри танланишининг ўзига хос рамзийлиги бор. Ушбу муқаддас замин азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар мулоқоти маскани, маданият-гуманитар ўзаро бойитиш ва халқаро савдонини ривожлантириш, яқши қўшничиликни мустаҳкамлаш кўприги бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Ер юзининг сайқали сўнгги йилларда бир қанча йирик форумларга мезбонлик қилди. Шаҳар сезиларли даражада ўзгарди, кенг қўламли реконструкция ишлари олиб борилди, Самарқанд туристик брендининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Саммитда ташкилотнинг 21 йиллик тарихида илк бора унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилиниши қутилмоқда. Тузилма ислоҳ қилинади, унинг ишида янги саҳифа очилади. Ташкилот тараққиётининг кейинги босқичи бошланиши билан бирга, унга янги аъзолар қабул қилиниши кўзда тутилган. Энг муҳими, бу воқеалар тарихида Самарқанд номи билан узвий боғланиб қолади.

Бу муҳташам шаҳар асрлар давомида шарқ ва ғарб, шимол ва жануб ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарган. Мазкур миссия XXI асрда ҳам муваффақият билан давом эттирилаётгани халқимизга ўзгача гурур бағишлайди.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЖАҲОН БОЗОРИГА МИЛЛИЙ БРЕНДАДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШ

Фахриддин БОБОЕВ,
“Ўзчармсаноат” уюмси раиси

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва қатъий сиёсий иродаси туфайли юртимиздаги барча йўналишлар қатори чарм-пойабзал соҳаси ҳам сўнгги йилларда жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланди. Бу борада зарур шароитлар яратилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш ҳамда жаҳон сифат стандартларини жорий этиш бўйича соҳада бугунги кунгача юзлаб инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида чарм, пойабзал ва чарм буюмлар ишлаб чиқариш **5,5 бараварга** ошди. Экспорт ҳажми 420 миллион доллардан ортди, ҳудудларда 45 мингта янги иш ўрни яратилди. Эътиборли жиҳати, чарм-пойабзал соҳаси бугун сармоа киритиш учун энг истиқболли тармоқлардан бирига айланди.

2017–2021 йилларда мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобидан 632 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди ва 390 та лойиҳа фойдаланишга топширилди.

Албатта, бу ислохотлар самарадорлиги уларни ҳаётга татбиқ этишга масъул мутасаддиларнинг ижро интизомини, белгиланган вазифаларни ўз вақтида, бекум кўст бажариши, ўз хизмат вазифасига сикдидилдан, фидойилик билан ёндашувига боғлиқ. Шу ўринда Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонун ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонини алоҳида қайд этиш жоиз. Негаки, ушбу ҳужжат ислохотларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда чарм-пойабзал саноати фаолиятини такомиллаштиришга оид Президентимиз томонидан 14 та ҳужжат, шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар билан мазкур йўналишда фаолият юритаётган корхоналарга бир қатор имтиёзлар қўлланилиши белгиланди, бу эса ўз навбатида, соҳанинг жадал ривожланиши учун янги имкониятлар яратмоқда.

Шунингдек, жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари ҳузурида чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокамаси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш доирасида соҳанинг келгусидаги режа ва имкониятлари қўриб чиқилди ҳамда 26 февраль куни Президентимизнинг “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан чарм-пойабзал саноатининг келгуси 5 йилда ривожланиш стратегияси белгиланган бўлиди. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилга бориб **4,2 бараварга**, маҳсулотлар экспортини **2,8 бараварга** ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда чарм-пойабзал ва мўйначилик саноати йўналишида 1500 дан ортиқ корхоналар фаолият олиб бормоқда. Улар чарм, мўйна хом-

ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларининг 50 га яқини йирик корхоналардир. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Orient Technology” ва Тошкент вилоятидаги “Ангрэн Чарм Инвест” корхоналари Италия ҳамда Германиянинг замонавий технологияларига асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Фарғона вилоятидаги иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган “Водий Шуз” йирик корхонаси, Андижон вилоятидаги “Равон тарққиёт орзуси” кўп тармоқли корхоналарини ҳам ана шулар қаторига киритиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида соҳани ривожлантириш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда пойабзалга бўлган эҳтиёжнинг эркаклар пойабзали бўйича 92 фоизи, аёллар ва болалар пойабзалига бўлган эҳтиёжнинг эса 40–60 фоизи қопланмоқда. Эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, 2022–2026 йилларда инвестиция лойиҳалари доирасида юртимизда эркаклар пойабзалга бўлган эҳтиёжнинг 100 фоизи ҳамда аёллар ва болалар пойабзали бўйича 85 фоизи қопланиши кўтилмоқда.

Йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда бор-йўғи 18 миллион доллар, шундан 5 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йил якунига келиб **218 миллион долларни** ташкил этилиши кўтилмоқда. Ушбу маблагнинг **57,5 миллион доллари** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳиссасига тўғри келиши эса қувонарли ҳол, албатта. Умуман олганда, бу рақамлар ўзлаштирилаётган инвестиция ҳажми 2017 йилга нисбатан 12 баравар кўп эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, тақдим этилаётган имкониятлар, саноатни ривожлантириш мақсадида яратилаётган қўлай инфратузилма, асосийси, юртимизнинг тобора яхшиланиб бораётган инвестицион жозибадорлиги ҳисобига 2026 йилга бориб жами **1 миллиард доллар** миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган. Бу 2022 йилга нисбатан 4,5 баравар кўп, демакдир.

Шунингдек, тайёр чарм, ҳар хил турдаги пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилади. Йирик инвестиция лойиҳалари деганда, қиймати 7–8 миллион доллардан юқори бўлган, хусусан, кластер шаклидаги лойиҳалар тушунилади.


Албатта, кластер усулида лойиҳалар амалга ошириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда терини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 10 та кластер корхона мавжуд. Шу билан бирга, 2022–2023 йилларда яна 5 та янги кластер корхонасини ташкил этиш режалаштирилган.

Экспорт таркибига аҳамият берадиган бўлсак, 2016 йилда экспорт қилинган маҳсулотларнинг бор-йўғи **28 фоизи** тайёр ҳолатда, қолган **72 фоизи** эса ярим тайёр ҳолатда экспортга йўналтирилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йилда тайёр маҳсулот бўйича **81 фоизни** ташкил этмоқда. Қолган 19 фоизи эса ярим тайёр маҳсулотлар улушига тўғри келиши кўтилмоқда.

Шунингдек, сўнгги 5 йил мобайнида экспорт қилинаётган чарм-пойабзал маҳсулотлари турлари 18 тадан 78 тага, экспорт қилинадиган давлатлар эса 8 тадан 45 тага етказилгани соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, пойабзал экспорти 10 бараварга ўсди. Ўтган йилда қўшни мамлакатларда пойабзал экспортининг таъсирчан динамикаси қайд этилган. Яъни Афғонистонга экспорт 5,2 баравар, Тожикистонга 6,4 баравар,




Қозғоғистонга 5 баравар, Туркменистонга 4,8 бараварга ва Қирғиз Республикасига экспорт 7 бараварга ошди.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда Германия, Португалия, Франция, Бельгия, Миср, Корея, Япония, БАА, Камерун ва Колумбия каби давлатларга экспорт йўлга қўйилди.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири — маҳаллий брендларни қўллаб-қувватлаш ва экспорт ҳажминини ошириш. Бугунги кунда соҳада 70 дан ортиқ брендлар мавжуд.

Президентимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида бугунги кунда чарм-пойабзал соҳаси республикамизда саноатнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Жорий йил охиригача юртимизда 1780,3 миллион квадрат сантиметр чарм маҳсулотлари, 127 миллион жуфт пойабзал, 123,4 миллион сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кўтилмоқда.

Дунёга машҳур пойабзал бренди эгаларини Ўзбекистонга таклиф этиб, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар билан ҳамкорлик



ўрнатишини ташкиллаштириш, хорижлик мутахассисларни жалб қилиб, кучли дизайнер, технолог, маркетинглар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам келгусидаги энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Пировард мақсад эса ички бозорни арзон ва сифатли, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда ташқи бозорга “Миллий бренд” маҳсулотларини олиб чиқишдир.

Мамлакатимизнинг 11 та ҳудудидида чарм-пойабзал тармоғига ихтисослаштирилган махсус кичик саноат зоналари ташкил этилади. Ушбу зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 90 миллиард сўм маблаг ажратилади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташаббуси соҳани янада жадал суруятлар билан ривожланиши учун кучли дастак бўлишига аминман. Зеро, жаҳон тажрибаси ҳам бунини тасдиқлайди.

Туркия тажрибасини олайлик, бу давлатда терини қайта ишлаш ва тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб

чиқариш корхоналарининг бир жойда жойлашганлиги маҳсулотлар таннаҳининг пасайиши ҳамда экологик осойишталикни сақлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларда фаолият олиб бораётган замонавий кушхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш ва уларга ҳўжалик ишларининг барча босқичларида кўмаклашиш лозим.

Мисол учун, замонавий кушхоналарда “VIS BILLUR” электрон тизимидан тўғри фойдаланиш учун ҳар ойда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг жойлардаги ходимлари иштирокида ўқув курсларини ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадага мувофиқдир.

Чарм-пойабзал соҳасида ҳам фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, инновацияларни жалб этиш ҳозирги кўннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада асосий мақсадимиз — Италия, Туркия, Житой, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси ва амалиётини ўрганган ҳолда, миллий ўқув дастурларини такомиллаштириш, чарм-пойабзал саноати корхоналарига хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш, уларни замонавий дизайндаги синаш ускуналари билан жиҳозлаш, малака ошириш курслари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, талаба ва битирувчилар, чарм буюмларни ишлаб чиқаришда уй шароитида ишлайдиган касаначи ва ишсиз ёшлар ҳамда аёлларни иш билан таъминлашдан иборат.

Умуман олганда, эришилаётган самарали натижа ва ютуқларнинг замирида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган бериладиган устувор вазифалар, муҳим ҳаётий топшириқлар ижроси мужассам. Иш фаолиятимиз шахсий масъулият, мустаҳкам “темир” интизом ва ташаббускорлик асосида ташкил этилмоқда. Ижро интизомига тўлиқ амал қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Қатъий назорат ва масъулиятни талаб этадиган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш яқин келажада дунёнинг ривожланган кучли 10 та давлати қаторига киришга замин яратди.

САМАРҚАНД РУҲИ

ШҲТ САММИТИ — МИНТАҚАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро институти директори

2021 йил сентябрь ойида ШҲТнинг Душанбеда бўлган саммитида 2021–2022 йилларда ташкилотга раислик Ўзбекистонга ўтди. Бу мамлакатимиздаги жадал ва очик ташқи сиёсатнинг мантикий самараси эди. Ушга вақтда Ўзбекистон ташаббуси билан ШҲТ макони учун тақдим этилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Яшил макон” дастури, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича мамлакатлараро ҳамкорлик режаси, ШҲТ иқтисодий форуми концепцияси, Туризм ва маданият пойтахти низоми шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари Душанбе саммитида Ўзбекистоннинг ташкилотга раислигининг асосий устувор йўналишларини ҳам белгилаб берди. Булар сирасига

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юритилаётган фаол ва прагматик ташқи сиёсат бугун мамлакатимизнинг нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида нуфузи ва ўрнини мустаҳкамлаб, халқаро жараёнларга таъсирини оширмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги фаоллиги муҳимдир. Бу борада мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

ШҲТ маконида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий шериклик ва саноат кооперацияси ҳамда транспорт коммуникацияси алоқаларини янада чуқурлаштириш, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маданий-гуманитар, соғлиқни сақлаш соҳаларида ва иқлим ўзгаришига қарши курашда ШҲТ салоҳиятидан кенг фойдаланиш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали концептуал мақоласида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилик” палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниятисига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Ўзбекистон томонидан ШҲТга раислик даврида 80 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Биргина шу йилнинг июнь-август ойларида Тошкентда ШҲТга аъзо давлатларнинг

мудофаа, ички ишлар, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва соғлиқни сақлаш каби соҳалар бўйича вазирлари йиғилишлари, шунингдек, ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва хавфсизлик кенгаши қотиблари йиғилишлари каби бир қатор йирик тадбирлар ташкил этилди. Пойтахтимизда ушбу давр оралиғида Иқтисодий форум, ШҲТга аъзо давлатлар минтақалари раҳбарлари форуми, Хотин-қизлар форуми, Банкараларо уюшмаси кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Илк маротаба ахборот-коммуникация технологиялари, камбағалликни қисқартириш, саноат ҳамда жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича вазирлик даражасидаги тадбирлар, халқ дипломатияси, туризм, анъанавий тиббиёт форумларига асос солинди.

ШҲТ мамлакатлари ёшлари ўртасида энг яхши стартап лойиҳа танлови ва киберспорт бўйича чемпионат ташкил этилди. Унда ёшлар билан ишлаш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида қўриб чиқилди. Июнь ойида ШҲТ ёшлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугун Самарқанд саммитининг асосий мақсадларидан бири — ШҲТни янада кенгайтириш. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг



22-мажлиси доирасида ШҲТга аъзо давлат макомини олиш бўйича Эрон мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши кўтилмоқда. Бу ўтган йилда Эронни тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиш тартибини бошлаш тўғрисидаги қарорни амалга оширишда муҳим босқич бўлади.

Саммитда ШҲТнинг қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари сафини кенгайтириш, қатор халқаро ташкилотлар билан шериклик алоқаларини ўрнатish бўйича ҳам қарорлар қабул қилиниши кўтилмоқда.

Бугунги кунда ШҲТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир. Унинг муваффақияти калити кўп қиррали ҳамкорлик ва очилик билан боғлиқ. Шу бois, тузилма очик мулоқот, минтақаларо кенг шериклик учун мос ва қўлай майдон сифатида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ШҲТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибдор маконга айланиши лозим.

Ўзбекистон кейинги йилларда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ташаббускорига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан беш йил мобайнида ШҲТ саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт логистикаси, инновациялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга доир 54 та ташаббус илгари сурилди.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон тақдим қилинган ҳамда амалга ошаётган ташаббуслар бўйича ШҲТда етакчи ўрин эгаллаб турибди. Ўтган йилларда ўзбек томони, асосан, хавфсизлик соҳасида фаоллик кўрсатган бўлса, энди иқтисодиёт,

транспорт логистикаси, инновацион ва рақамли ривожланиш, маданият ва халқ дипломатияси каби йўналишларга ҳам эътибор қаратмоқда. Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари тараққиёт ривожига муҳим туртки бўлиб, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги форматларга амалга ошишга имкон беради.

Президентимиз ташаббуси билан ШҲТ маконида амалга оширилаётган стратегия конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби муҳим тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган “Ҳар биримиз кучли бўлсакгина ШҲТ кучли бўлади” шиори мамлакатимизнинг ушбу тузилма доирасидаги ишларга конструктив ёндашуви мазмун-моҳиятини тўла очиб беради.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон ШҲТга раислик каби шарафли вазифани муваффақиятли удралаб, ташкилот фаолиятини яқин келажада аниқ натижалар берадиган янги ва муҳим амалий лойиҳалар билан бойитмоқда. Шу маънода, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 15–16 сентябрь кўнлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлиси йирик сиёсий-дипломатик платформага айланиб, тузилма тараққиёти йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихда қолшии шубҳасиз. Ўрни Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ШҲТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўлади.

“ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ”ДА ЖАҲОН КИНО ЮЛДУЗЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланган “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг очилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Гарчи фестивалнинг турли тадбирлари анча илгари бошланган бўлса-да, ушбу анжуман юртимиз кинематографиясининг ўтмиши, бугунга теран назар солиш, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида қандай ишларга қўл урилаётгани хусусида кенроқ хабардор бўлиши билан аҳамиятли бўлди.

Анъанага қўра, тантанали тадбир халқаро фестивал иштирокчиларининг қизил йўлчилардан ўтиши, жаҳон ва юртимиз кино юлдузлари иштирокидаги фотосессиялар каби қизиқarli жараёнлар билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ипак йўли чорраҳасида” XIV Тошкент халқаро кинофестивали иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кескин глобаллашув даврида инсон онги ва қалбига эзгу гоёларни синдиришда, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳамжихатликни, ижтимоий барқарорлигини тобора мустақамлашда санъатнинг, айниқса, кинематографиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу маънода Тошкент халқаро кинофестивали “Тинчлик, тараққиёт ва маърифат учун!” деган эзгу шiorни ўзида мужассам этгани бежиз эмас. Умид қиламизки, мазкур фестивал

ҳам турли халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги тинчлик, тараққиёт, дўстлик ва ҳамкорлик учун мустақам куприк бўлиб хизмат қилаверади.

Айтиш жоизки, жорий йилда “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент кинофестивалига қизгин ҳозирлик қўрилди. Пойтахтимиздаги Киночилар уйи негизда кинокласстер ташкил этилиб, ушбу кластер 1500 нафардан ортиқ ёш киноижодкорлар, шу соҳада таълим олаётган йигит-қизларни бирлаштирди. Бу ерда турли тақдиротлар, маҳорат дарслари, амалий машғулотлар учун зарур барча шароитлар яратилди.

Бу йилги Тошкент халқаро кинофестивалида жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатидан ижодкорлар иштирок этмоқда. “Ипак йўли дурдонаси” ижодий лойиҳасининг 100 дан ортиқ қизиқarli ва ранг-баранг тадбирлари наинки Тошкент шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Фестиваль давомида юртимиз ва жаҳон кино санъати усталарининг 150 дан ортиқ фильмлари намойиш этилмоқда. Фестиваль доирасида Ўзбекистон ва жаҳон киночилари ўртасида ўзаро манфаатли келишувлар, меморандумлар имзоланмоқда. Дунёнинг қўллаб-қувватлаётгани янги ташаббуслар билан қайта тикланган “Ипак йўли дурдонаси” ижодий лойиҳасининг 100 дан ортиқ қизиқarli ва ранг-баранг тадбирлари наинки Тошкент шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.



— Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда кино ижодкорларининг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам кучлидир, — деди Ҳиндистоннинг Кинематографияни ривожлантириш миллий корпорацияси бошқаруви раҳбари Равиндер Бхакар. — Шу маънода “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивали киноижодкорларнинг ўз масъулияти вазифаларини теран англашга яқиндан ёрдам бермоқда.

— Тошкент халқаро кинофестивали меҳр, самимият, ижодий мулоқот, дўстлик рамзи саналган, — деди Беларусь кинематография уюшмаси раиси Виктор Васильев. — Аксарият киноижодкорлар ҳамиша мазкур фестивалда иштирок

этишни орзу қилган. Унинг қайта тикланиб, иккинчи бор байрамона руҳда ўтказилаётгани, ўз ишини муваффақиятли олиб бораётгани мамлакатингизда кинематографияга катта эътибор қаратилаётганини аңлатади.

Тантанали кечада жаҳон кинематографиясига катта ҳисса қўшган бир гуруҳ кино усталари махсус мукофот — статуеткалар билан тақдирланди.

Тадбирда миллий ва жаҳон киносидан ёрқин лавҳалар намойиш этилди. Юртимиз ва турли хорижий мамлакатларнинг санъаткорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



ЗАМОНДОШ

Риштонлик тадбиркор, “Дўстлик” ордени соҳиби Муҳайё Сатторова “ММ PORCELAIN” масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, маҳаллий хомашёдан турфа қўринишдаги чинни ва сопол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганида ҳали бизнесни унча тушунмасди.

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

Аммо қисқа фурсатда ҳалол меҳнати ва изланишлари туфайли одамлар меҳрини қозонди. Тадбиркорлик борасида тажриба туپлади. Корхона ўтган йиллар давомида юксалиб, бугунги кунда 700 дан ортиқ ходим ишлаётган катта жамоага айланди. Бу айтишга осон. Ҳамма иш ҳам хамирдан қил суғургандек осон битгани йўқ.

Оддий оилада камолга етган, ўрта маълумотли Муҳайё бу ишнинг “этиги”дан тугганида ўттизга ҳам кирмаган эди. Турмуш ўртоғининг беҳосдан бетоб бўлиб қолиши ёш оилани эсанқиратиб қўйди. Уч нафар гўдак, кекса онаси билан нима қилишга ҳайрон эди ўшанда.

Утган асрнинг тўқсонинчи йиллари Муҳайё ишлаётган тўқимачилик корхонаси банкрот ёқасига келиб қолганди. Хомашё йўқ, тайёр маҳсулотнинг бозори касод бўлгани боис, ойлик маошлар ҳам ўз вақтида берилмасди. Дори-дармон, рўзгор учун пул топиш, ёмғир ёғса чакки ўтаётган уй-жойни тиклаш ёш она зиммасида қолди. Аммо тушунлиқка тушмади, ҳаёт синовларига бардош берди, ёруғ кунларга умид қилиб яшайди.

Риштон қулоллар юрти. Бу беназир маҳсулотга талаб ҳамма даврларда ҳам юқори бўлган. Ишни оддий қулолчилик маҳсулотлари сотишдан бошлади. Аёл эрта тонгда шифохонага ошмади. Бемор ҳолидан хабар олган, ҳўжалик сумкасига жойланган сопол идишларни сотиш илинжида бозор ва

қўллаб-қувватлаётгани янги ташаббусларга қанот бўлмоқда. Тўғри, авваллари ҳам тадбиркорликни ривожлантириш борасида керакли шароитлар яратишга ҳаракат қилинган. Лекин бир ишнинг бошидан тутиш учун қозғозбозлик, танши-билишчилик силламизни қуритарди. Эндilikда, умуман бошқача шароитда ишлаб, имконият қидириямиз. Ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун барча шароитлар яратиб берилган. Айниқса, ҳунармандлар учун жорий қилинган солиқ ва божхона имтиёзлари янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.

Корхона фаолият қўламини янада кенгайтириш тараддуида. Риштондаги солиқ қулолчилик корхонаси ҳудудда чинни буюмларга безак беришга ихтисослаштирилган замонавий цех фаолият қўрсатиб келмоқда. Бу ерда 60 нафардан ортиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га кирган ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар меҳнат билан банд.

— Уйимизга яқин ҳудудда янги корхона иш бошлагани яхши бўлди, — дея суҳбатда қўшилди чинни пиёлага нафис гуллар чицаётган Маҳбуба Нишоновна. — Битта пиёла тайёр ҳолга келгунча 20 бор қўлдан-қўлга ўтади. Ишлаш учун ҳамма шароитлар бор. Меҳнат стажига эга бўляпти, ойлик маошларимизни вақтида оламыз, узоқдан ишга келиб-кетаятганлар учун транспорт ва бепул тушлик ташкил этилган.



қишлоқлар ораларди. Устига-устак, транспорт йўқ, болалари эса жуда ёш эди. Шу тариқа кунлар ойга, ойлар йилга уланди. Бир оз оғир, лекин ҳалол меҳнат ортидан топишган даромаднинг баракаси хайрли бўлди. Турмуш ўртоғининг саломатлиги тикланиб, оёққа турди, оилавий бизнес тармоғи секин ривожланиб борди.

Бу орада чинни маҳсулотлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Бу ҳунар тадбиркор оилавий бизнесининг асосига айланди. Уй шароитида чинни буюмларга гул чизиб ҳадисини олди, ўнлаб хотин-қизлар бошини қовуштириб, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Оддий тупроқдан муъжиза яратётган тадбиркор фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор қаратди. “Навбахор” кичик саноат зонасида сопол ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилди. Чинни буюмларга безак бериш йўналишида касаначилик фаолиятини йўлга қўйди. Жорий йилнинг шу кўнига қадар умумий қиймати 1 миллион долларлик чинни буюмлари Россия ва қўшни мамлакатларга экспорт қилинди.

— Янги Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес тармоқлари фаолиятини ривожлантириш йўлида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, — дейди тадбиркор. — Президентимизнинг тадбиркорлар билан қилган тўғридан-тўғри самимий мулоқотлари,

Тадбиркорнинг янги лойиҳасига кўра, “Навбахор” кичик саноат зонасида икки гектар майдонга замонавий корхона қуриш ишлари бошланиш арафасида. Янги тармоқ бир вақтнинг ўзида 2000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш, ички ва ташқи бозорга сара маҳсулотлар етказиш имкониятини беради.

Муҳайё Сатторова нафақат фаол, фидойи аёл, балки ибратли оиланинг бахтли бекаси сифатида ҳам ҳурмат топган кишилардан. Турмуш ўртоғи билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўйди.

Ўрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилиб келаятган тадбиркорнинг меҳнат ва изланишлари бесамар кетмади. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан Президентнинг фармонида кўра, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Янги Ўзбекистоннинг янги ҳаётида фаол иштирок этётган замондошларимиз амалий ишлари, эзгу ташаббуслари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Улар саъй-ҳаракати билан шаҳар ва чекка ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш тармоқлари буй қўрсатяпти. Энг муҳими, бундай эзгу ишларга бош бўлиб қўлинг қорига яраётган тадбиркор аёллар сафи кенгайиб, янги ташаббуслар қулоч ёймоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ҚАМРОВ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ КЕНГ Улардан фойдалана билиш, аввало, ўзимизга боғлиқ

Севара МАҲМУДОВА,
Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби директори,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти
раиси ўринбосари

Энг улуг, энг азиз байрам шукуҳи юртимизда ҳали ҳам давом этмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Мустақиллик бизга ўзгиримизни англаш, миллий давлатчилигимиз ва қадриятларимизни тиклаш, ўз тараққиёт йўлимизни танлаш, ҳақ-хуқуқимизни таниш, дунёга юз очиш имконини берди.



Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш асло мумкин эмас. Ана шундай улугвор мақсадларга эришишда халқимизга фақат ёшлар суянч ва таянч бўла олади.

Шу боис, ёшларга эътибор, уларга кенг шароит ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу сиёсат самараси йигит-қизларимизнинг спорт ва таълим йўналишида дунё миқёсидаги юксак натижаларга акс этмоқда. Хусусан, шахмат бўйича эришган ютуқлари ёшларимизнинг нималарга қодирлиги, қандай имконият ва салоҳиятга эга эканини яна бир бор яққол намойиш этди. Бундан ташқари, ёшларимиз фанлар бўйича халқаро мусобақа, танлов ва олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида туб ва изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Унинг самараларини тизимга дахлдор барча тармоқларда яққол кўриш мумкин. Хусусан, “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўғил-қизларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи

тўғарақлар фаолиятини тубдан яхшилашга туртки берди.

2021 йил 13 апрель кўни давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятига яна бир бор эътибор қаратилди. Ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эътиборни янада кучайтириш, бу борада мамлакатимиздаги “Баркамол авлод” болалар мактаблари имкониятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш кераклиги таъкидланди. “Баркамол авлод” болалар мактаблари бор-йўғи 175 минг нафар (3 фоиз) ёшчи қамраб олгани айтилиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ўн кўн муддатда “Баркамол авлод” мактабларида замонавий тўғарақлар очиш ва ҳар бир мактабда уларнинг тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни камида 3–5 бараварга ошириш, мамлакат бўйича камида 500 минг ўғил-қизни қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳозир халқ таълими тизимида 218 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият қўрсатяпти. Улардаги 9 минг 33 та тўғарақка 260 минг нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган.

Ўтган вақт давомида “Баркамол авлод” республика болалар мактаби томонидан ўқувчилар қамровини ошириш, мактаблар фаолиятини ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар бажарилди. Жумладан, мактабларда ўқувчилар қамровини ошириш, қўшимча мотивация бериш ҳамда уларни муайян соҳага йўналтириш учун Тошкент халқаро таълим университети ҳамда Акфа университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ўқув курсларини муваффақиятли якуналаган ўқувчиларга ушбу таълим даргоҳларига имтихонсиз кириш имконияти яратилди.



Саъй-ҳаракатлар натижасида мактабларда ўтган йилларга нисбатан тўғарақлар сони 22,8 фоиз, ўқувчилар қамрови 25,5 фоиз кўпайди. Бюджетдан ташқари топишган маблағ миқдори 494,9 миллиондан 3,3 миллиард сўмга ошди.

Бу йил ёз мавсумида “Баркамол авлод” болалар мактабларида ўқувчилар қамровини ошириш мақсадида мактабдан ташқари қўшимча таълим бериш қараёнида инновацион методлардан фойдаланилди. 7 йўналишдаги тўғарақлар учун 78 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилди. Тўғарақ машғулоти самарадорлигини ошириш ва мавзу бўйича қўшимча маълумотлар бериш учун онлайн семинар-тренинглар ўтказилди.

Ҳар қандай ишда ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш, биргаликда фаолият қўрсатиш яхши самара бериши шубҳасиз. Айни шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби ҳамда Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бундай ҳамкорлик, айниқса, “Баркамол авлод” болалар мактаблари учун ҳар жиҳатдан фойдали. Бунинг натижасида ўзаро ҳамкорликда жойлардаги мактабларнинг маданият ва санъат йўналишидаги тўғарақларига, форум, давра суҳбати, семинар ҳамда маҳорат дарсларига ижодий уюшманинг танили, эл суйган актёр ва актрисаларини жалб этиш назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, тўғарақлар сони ва сифатини ошириш, уларда ўқувчилар қамровини янада кенгайтириш ва иқтидорли болаларни кашф этиш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиз олдидан турган 5 та асосий вазифани белгилаб берди. Унинг биринчиси таълим йўналишига қаратилган ҳам биз педагоглар учун қувонarli ҳолдир. Таъкидланганидек, замонавий билим олиш ва кўникмаларга эришиш учун қўлай шароит ва имконият яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Бундан ташқари, мактаблардаги дарсқилар, ўқув дастури ва ўқитиш услуби тубдан қайта қуриб чиқилди. Энг муҳими, бу жараёнга илгор хорижий тажриба ва мутахассислар жалб қилинади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Буларнинг бари, табиийки, педагог кадрларнинг моддий таъминотига боғлиқ. Шу боис, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш янги босқичга кўтарилади. Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантириш асосий масалалардан бири сифатида белгиланмоқда.

Бундай кенг қўламли ислохотлар ва улугвор вазифалардан қўзланган пировард мақсад Янги Ўзбекистондаги мактаб битирувчиларини замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, энг муҳими, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс қилиб тарбиялашдан иборат.

Бугун кўхна Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти навбатдаги саммитининг биринчи иш куни. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъйидлаганидек, “...дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечатган ўзига хос тарихий эврилиш палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда”.

Хўш, ўтган шу тарихий даврда инсониятнинг бир бутунлиги, яъни маънавий-маърифий жиҳатдан ҳаммаша бир-бирига боғлиқ экани қайси жабҳаларда кўзга ташланди?

ШХТ аъзо давлатларни сиёсат ва ҳавфсизлик, иқтисодиёт ва савдо, маданият ва гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорлик йўналишида бирлаштирадиган платформа ҳисобланади. ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни,

миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашиш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Адабий алоқаларни эса алоҳида ижодкорлар фаолиятисиз тасаввур қилиш мушкул. Адабиётни шахслар яратганидек, адабий алоқалар ривожини ҳам кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Муайян адабий алоқалар тўғрисида сўз очилганда, дарров ҳаёлимизга ўз

адабиётидан ташқари бошқа халқлар адабиётига ҳам кўпроқ хизмат қилган адабий шахслар келиши бежиз эмас.

Таниқли қозоқ адиби Мухтор Шаханов бундай дейди: “Адабиётнинг хизмати бекиёс. Улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара, тўсиқни тан олмайди, турли мамлакатларни кесиб ўтиб, барчасига барабар обихаёт улашади. Улкан ёзувчилар ҳам ўшандай дарёларга ўхшайди. Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алоҳида катта шахслар яратди. Ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқлар вакиллари билан дўстлашишга мажбур”.

Биз глобал маънавий-маърифий жараён билан боғлиқ масалаларга муносабат билдиришларини сўраб, ШХТга аъзо айрим давлатларнинг адабий вакилларига мурожаат этдик.

Акбар АБДУЛЛОХ,
Тожикистон адиблари иттифоқи Адабиёт
фонди директори:

— Қардош ва қўшни икки халқ ўртасидаги дўстлик, мустаҳкам ришталар неча минг йиллик тарихга эга. Халқларимиз қадимий Марказий Осиё диёри цивилизацияси ва маданияти шаклланиши ҳамда кенгайишига бекиёс ҳисса қўшган, унинг асосий негизини қадимдан тожиқлар ва ўзбекларнинг бирлашган маданияти, адабиёти, урф-одатлари, дин ва маъзаби ташкил этади.

Глобаллашувдек нозик бир даврда ҳам халқларимиз ўртасидаги ана шундай қадимий эзгу аъёналар ривожланиб, мустақил давлатларимиз дунё билан ҳамнафас бўлиб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро адабиёт ва маданият кунлари, кўшма адабий-маданий тадбирлар ўтказиш, икки мамлакатнинг муитоз ва замонавий адиблари асарларини таржима қилиш, ёзувчи ва санъаткорларни давлат унвонлари билан тақдирлаш ва шу каби узуқсиз маданий-маърифий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбек муитоз адабиёти асосчиси Мир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан Душанбе шаҳри

марказида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши ҳамда ушбу боғда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкаллари ўрнатилиши, Тожикистон халқ шоири Мирзо Турсунзода таваллудининг 110 йиллиги Ўзбекистонда ҳам нишонланиши бу борадаги муҳим тадбирлардан биридир. Саккиз нафар ўзбек адибининг 2022 йилда Тожикистон адиблари иттифоқи фахрий аъзолигига қабул қилиниши, ўзбек шоири ва таржимони Одил Икромнинг Абу Абдуллох Рўдакий номидаги Тожикистон давлат мукофоти билан тақдирланиши адабий ҳамкорлигимиз мустаҳкамлиги бораётганидан далолат беради.

Келгусида икки давлат ўртасидаги адабий алоқаларни янада юксалтириш учун адабиёт ва санъат кунларини кўпроқ ташкил этиш, ёш ижодкорлар учун ўқув машғулот-кенгашлар ўтказиш, икки халқ шоир-ёзувчилари орасидаги ўзаро таржимачилик аъёналарини ривожлантириш, адиблар ва санъаткорларнинг арзигулик асарларини давлат мукофотлари ва икки тарафлама совринлар билан рағбатлантириш борасида муҳим режалар тузганимиз. Уларни амалга ошириш асосида устоз адибларимиз аъёналарини тиклаш ниятимиз бор.

Нуринисо ДЎСМЕТОВА,
Қозоғистон ўзбекларининг “Дўстлик”
ҳамжамияти раиси уринбосари:

— Албатта, икки қардош халқ ўртасидаги адабий алоқалар катта ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ. Бунини Миртемир ҳаёти ва ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шўро давридаги алоқаларни Носир Фозиллов, Мирпўлат Мирзо, Меҳмонкул Исломқулов каби адиблар мустақиллик йилларида ҳам давом эттиришди.

Хусусан, Носир Фозиллов Ўзбекистон ва Қозоғистон адабий муҳити ўртасида “олтин кўприк” вазифасини бажарган, алоҳида таҳсини эътирофга лойиқ ижодкор эди. Носир ака ҳаммаша ўзбек шоири Фағур Ғуллом ва қозоқ адиби Собит Мўқонов дўстлигини эъозу эҳтиром билан тарғиб-ташвиқ этиб келган. Дўстининг қабр турпоғидан олиб, Олмаотага учган Носир оға бу турпоқни Собит оғанинг меросхўрларига топширган. Улар “Турпоқни отамизнинг бошига қўйалик, “Ўзбек ўз оғам” деб ўтган отамиз дўсти Фағур оғанинг турпоғига бошини қўйсин”, дейишган экан. Бу нафақат икки забардаст ижодкорнинг, балки икки халқ адабиёти дўстлигининг ёрқин тилмоландир.

Носир оғанинг Абай асарларини, Мирпўлат Мирзонинг қозоқ оқиналари ижоди ва шеърларидан таржималари тўпланган “Сайра, дўмбирам!” китобини икки халқ адабиёти, адабий алоқаларни ривожига қўшилган улкан ҳисса, деб биламан. Бу аъёнани Меҳмонқул Исломқулов ҳам давом эттирди. Ўстозларимизнинг руҳлари шод бўлсин!

Бугунги кунда Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти ҳузуридаги “Ижодкор” адабий бирлашмаси жамоаси эстафетани зиммаларига олган. Адабий кенгаш раиси Абдурахим Пратов ва бошқарув хайъати раиси Баҳодир Оташ каби ижодкорлар бу кўтпуг вазифани бажонидил адо этмоқда. Улар раҳбарлигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қозоқ бадий кенгаши билан ҳамкорликда Тошкентда наشرга тайёрланаётган 100 жилдилик “Туркий халқлар адабиёти антологияси” учун Қозоғистон Ёзувчилар иттифоқи тавсия этган қардошларимизнинг таниқли оқин, ёзувчиларидан 20 дан зиёдин асарлари таржима қилинди. Яна Ўлукбек Эсдаулет, Марғабат Бойғўт, Хонбиби Эсқараева, Баян Тленшина асарлари таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилди.

Долимжон Сайфуллаев таржимасида Қулбек Эргабекнинг уч китоби ва қатор наشرлар ўзбек ўқувчиларига ажойиб совға бўлди.

Айни кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адабий алоқаларга янада эътибор кўчагани бизни қувонтиради. Ҳамкорликда кўп-лаб эзгу ишлар қилинмоқда. Айниқса, шоир Элдор Татиев раҳбарлигидаги “Чинор ярпоқлари” ёш ижодкорлар халқаро ташкилотининг самарали фаолияти барчага манзур.

Ўзбекистоннинг “Муҳаммад Юсуф издошлари” клуби раҳбари, шоир Мўқимжон Нурбузоев, “Оҳу” клуби раҳбари Зилолабону Холқованинг ижодий изланишлари, ушбу клублар аъзоларининг халқаро миқёсдаги танловларда иштирок этаётгани эътиборга молик. Шунингдек, қозоғистонлик қатор ижодкорларимизнинг ҳам Ўзбекистондаги адабий танловларда қатнашгани ва совринли ўринларга сазовор бўлгани қувонарли ҳол. Хуллас, ижодий ютуқларнинг барчасини санаб ўтиш қийин, аммо умуминсоний мезонларни бажаришга ижодий ҳаракат янада жонланмоқда.

Икки халқ адабий ҳамкорлигини янада кучайтириш учун устозларимизнинг аъёнлиги адабий дўстлик ришталарини тиклаш лозим. Қозоғистон Ёзувчилар иттифоқи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўллаб-қувватлаш зарур. Адабий декадаларни кўлайитириш, муҳим адабий шахслар ижоди ва хотирасига бағишланган халқаро конференцияларни ҳамкорликда ўтказишимиз керак.

Шу билан бирга, қозоқ ижодкорлари Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган ижодий танлов, илмий-амалий анжуманлардан хабардор бўлишса, албатта, ушбу тадбирларда қатнашишга астойдил ҳаракат қиладилар. Масалан, жорий йилда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан Наманган ва бошқа ҳудудларда ўтказиладиган катта тадбирларда қозоғистонлик ижодкорлар ҳам иштирок этишса, нур устига нур бўлар эди.

Халқаро онлайн семинарлар, қўрик-танловлар, китоблар тақдиримотлар, ижодий кечалар, учрашувларни бирлиқда ташкиллаштириш икки халқ адабий дўстлиги раванқига катта ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Алмаз Улви БИННАТОВА,
Ўзбекистон Республикасининг
“Дўстлик” ордени соҳибаси, озарбай-
жонлик навоийшунос олима:

— Бугун барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, дунё аҳлининг нигоҳи Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити, унинг қарорлари ва лойиҳаларига қаратилган. Чунки шундай жиддий иттифок — ШХТ оиласи дунёдаги улкан географик ҳудудни, сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган йирик минтақавий ташкилотдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласидаги фикр-мулоҳазаларга тўла қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, бу учрашув нафақат минтақавий, балки глобал даражадаги муҳим аҳамиятга эга воқеа.

Бундай учрашувнинг кўҳна ва тарихий Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки кўп бора таъйидланганидек, ушбу шаҳар азалдан улкан ғоя ва билимлар учоғи бўлган. Бу маърифат учоғида инсонлар яхши яшаши, бахтли бўлиши каби муштарак мақсадлар “пиширилган”. Тижорат, иқтисод, савдо-сотик, бунёдкорликда илм-фан ва санъат аҳли ташаббуслари, кўтаринки ғоялари халқларни бир-бирига яқинлаштирган, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаган.

Барча масалаларнинг илк қадами дастлаб маънавий-маърифий мезонларда ўлчанайди ва реал ҳаётга таътиб этилади. Буюк Хўсайн Жовиднинг ғояларига асосан ёндашадиган бўлсак:

Туронга қиличдан ўтқирроқ,
буюк куч
Маданият, маданият, маданият!

Дунё халқлари бир-бирининг маданияти ва адабиётига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уни ўз юртида тарғиб қилиши, ҳатто ўрганиши керак. “Дунё бериш ва олиш дунёси” тамойилини унутмаслик жоиз. Чунки адабиёт ва маданият дунёнинг мавжудлигини билдиради.

Давлатларнинг бирлиги, дўстлиги шу каби форум, учрашувларда вужудга келади ва мамлакатлардаги ризқ ва барака тўқинлигини яратди. Сўнгги уч йилдаги пандемиядан кейин дунёимиз шундай бирлик ва инновацияларга жуда муҳтож. Инсон омили эса дунёнинг беэагидир. Инсон омили туфайли дунё дунёдир. Ҳозирги вақтда фан ва таълим шундай даражага кўтарилдики, агар дунё чамбарчас хайрихоҳлик билан бирлашса, алоҳида давлатлар катта ютуқларга эриша оладилар. Мамлакатлар бирлашганда, одамлар ҳам, жамият ҳам ғалаба қозонади. Чунки фан тараққиёти шуни таъқоза этади.

Ўйлаб кўринг, дунёнинг бир чеккасида содир бўлаётган инқилобий воқеалар асоси дунёнинг нариги чеккасидаги кичик лабораторияда бўлади. Янги кашфиётлар рўёбга чиқиши учун иқтисодий имконият-

ларга эга мамлакатда яшаш лицензиясини олади. Мия капитали деб аталадиган ҳодиса бутун дунёга ўз нурини тарқатади.

Агар дунё сферик тузилишга эга бўлса, унинг одамлари бир мушт бўлиши керак — худди Ер шакли каби. Интеграция шарт! Негиз ўзбек йилгити Японияга бориб, ўқиб, ўз юртига қайтиб, у ерда олган билим ва тажрибаси билан ўртоқлашмаслиги керак?! Нима учун озарбайжонлик ёшлар Хитойда кўрган, билган ва кўлга киритган таълим ютуқларини ўз юртида кўлламаслиги керак? Негиз ўзингиз борган мамлакатларда ўз юртингиз маданияти ва адабиётини баҳам қўришни истамайсиз? Ахир, бугун дунё бирлашади ва шу кунгача эришганларини биргалиқда баҳам қўриши керак ва бу шарт! Бундай фикрларни Низомий Ганжавий айтган, Алишер Навоий ҳам!

Адабий алоқалар халқларнинг бир-бирига боғланган қалби ва кўнгил ришталаридир. Фараз қилайлик, бизнинг катта, тенгсиз бойлигимиз бор. Уни ҳеч нарасига сарфламай, ҳазинамизга яшраимиз. Бундан на эгаси, на биров фойда кўрмайди. У ҳолда бу ҳазина кимга ва нима учун керак? Адабий алоқалар жуда муҳим. Низомий Ганжавий “Хамса” орқали дунёни ўз тафаккури, илм нури билан ёритди. Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида яшаб ижод қилган бу шоир Озарбайжон номини дунёга таратди. У “Хамса” қаҳрамонлари тилидан озарбайжонлик инсоннинг тафаккур ва орзуларини ўз оламида эълон қилди. Уни ўқиганларнинг ҳар бири дунёнинг турли бурчакларида, турли йўналишларда бўлса-да, Низомийнинг ғоялари, хоҳиш-истаклари ана шу инсонлар қалбига ўтиб, миллийликдан умуминсонийлик мақомига кўтарилди. Демак, бундай улкан ғояларнинг олдига ҳеч қандай тўсиқ қўйиб бўлмайди.

Ўзбек миллатининг жаҳон илмига хизмат қилган Беруний, Ибн Сино, Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хўсайн Бойқаро, Мўқимий, сингари буюк сиймолари борки, бу номларни бутун дунё билади. Негиз? Чунки уларнинг инсонпарварлик, адолатли бошқарув, илм-фан ва адабиётни юксак қадрлаш, фикр эркинлиги каби эзгу ғоялари умуминсоний тамойилларга мос тушган.

Бу даҳоларимизнинг адабиёт орқали берган тарбияси ХХ аср муитозлари — Фитрат, Чўлпон, Қодирий ва, умуман, жадидлар фаолиятида ҳам намоён бўлган. Уларнинг тафаккурида Ватанга, миллатга, халқ озолигига, муҳаббат, маърифат, илм-фан, маданият, адабиётга дунёвий маънода хизмат қилиш муқассам эди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Озарбайжон ва ўзбек халқлари дўстлиги, адабий ҳамкорлиги борасида биз алоҳида йўл танламадик. Тарих бизга шундай йўлни, шундай бахтни бердики, адабиётимиз билан абадий бирлашдик. Низомий Ганжавий мактабини тамомлаган Алишер Навоий бу борадаги энг ёруғ йўлларни бизга очиб берди! Фағур Ғуллом

айтганидек, “Биз бир-биримизга шоғирдларимиз, биз бир-биримизга устозимиз”.

Биз бир-биримизни ўрганиш учун кўп қийинчиликларга дуч келмаймиз. Чунки биз бир туркий бобонинг фарзандларимиз. Бизда умумий қадриятлар кўп. Агар озарбайжонлик ёш тадқиқотчи ўзбек адабиётини чуқур ўрганмоқчи бўлса, охир-оқибат ўзлигини топади. Шунингдек, ўзбек йилгити озар адабиётига чуқур кириб бурса, у ҳам ўзи излаган моҳиятни учратади. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-таир” асарига Симурғни қидираётган қаҳрамонлар ниҳоят йўл охирида ўзликлари билан юзлашадилар-ку!

Аллоҳ таоло дўстлигимизни, биродарлигимизни бардавом қилсин!

Яқинда мен Ўзбекистон Президенти жаноб Шавкат Мирзиёев фармонияга асосан, “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Мен бу ордени олиш ҳақида ҳеч ўйлаб-хотирлама эдим. Аммо қамтарона меҳнатларим юксак баҳоланганидан беҳад шод бўлдим. Мен Алишер Навоий ижодида, навоийшунослик илмига шу қадар ошиқ бўлдимки, дунёда топанг бебаҳо гавҳарим улуг адиб ижоди билан боғланди. Дастлаб Президент фармонидан хабар топганимда ҳайратда қолдим. Ҳатто бу ҳақда бировга бир оғиз сўз айтишга ҳам журъат қилолмадим. Аммо табриқлар селдек оқаётганини кўриб, бу эътироф рост эканига ишондим. Чексиз миннатдорлигимни сўз билан таърифлай олмайман. Олим учун энг яхши мукофот нима бўлиши мумкин?! Менимча, инсон бирор манфаатни қўзламай, халққа, дўстликка, адабиётга хизмат қилса, савобу ажрини Қодир Аллоҳнинг ўзи берад экан. Бахтим шукри, Яратган ушбу мукофотни сезингиз юртингиз Президенти орқали юборди. Озарбайжон Президенти менга халқим, давлатим олдидagi хизматларим учун денгиз қирғоғидан кўркам хонадон совға қилган эди. Энди мен бир умр фахрланадиган юксак тўхфалар янада кўпайди. Озарбайжон-ўзбек дўстлигимиз, биродарлигимизга кўз тегмасин! Низомий Ганжавий меросидан илҳом олиб, дунёни мунаввар қилган Алишер Навоий йўли ҳаммаша ҳаётимизни ёритувчи нур бўлсин, омин!

Беғижон АҲМЕДОВ,
Қирғизистон ва Ўзбекистон ёзувчилари уюшмалари аъзоси,
Анджон давлат университети
фахрий профессори:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хартиясига биноан, кўп қиррали ҳамкорликда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорликни кучайтириш кўзда тутилган. Ўтган 20 йил давомида халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Биргина мисол келтирсам. ЮНЕСКО жаҳон маданий меросига киритилган ҳар тўққизинчи объект ШХТ давлатлари ҳудудида жойлашган.

Бу тарихий обид ва меросларнинг маълумот базасини тузиш, қўриқлаш, ҳимояга олиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, маданий ёдгорликлар ноқонуний олиб кетилишига биргаликда қарши туриш, санъат асарларини реставрация қилиш, кутубхона-маълумот хизматлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш каби амалий ишлар қилинди. Туризм, театр, мусиқа, кино, телевидение, архив ишлари, ОАВлар ўртасида ҳамкорлик борган сари ривож топмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Тили, дили, тарихи, чегаралари бир ШХТга аъзо

мамлакатлар халқлари эртақлари, мақоллари тўпламининг Тошкент шаҳрида нашр этилиши катта маданий воқеа бўлди. Жўмладан, “Саккиз элнинг сон-саноксиз ўғити”, “Саккиз элнинг саксон саккиз эртағи” каби китоблар тузилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Қадимий ва аъёналарга бой ўзбек адабиёти доимо умуминсоний адабий мезонларга хизмат қилиб келган. Сўз мулкининг сўлтони Алишер Навоийдан тортиб дунёда олтинчи романчилик мактабига асос солган Абдулла Қодирйўлғача, Ойбекдан тортиб Эркин Воҳидовгача, Ўткир Ҳошимовдан тортиб Нурали Қобулгача, Абдулла Ориповдан то Муҳаммад Юсуфгача умуминсоний кадриятларни турли ракурсларда тараннум этиб, жаҳон адабиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Буюк ижодкорларнинг адабий мероси ШХТ давлатлари халқларининг ҳам маданий ҳазинасидир.

Ўзбек ва қирғиз адабиёти намоёндалари ўртасидаги адабий алоқалар Янги Ўзбекистон шароитида қайтадан тикланди ва ўтган 5-6 йил ичида фаол ривож топди. “Шарқ юлдузи” ва “Ала-Тоо” журналларининг биттадан сонини қирғиз ва ўзбек адабиётига бағишланди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ёзувчилар уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. “Манас” достони ўзбек тилига таржима қилинди. Кўп-лаб ўзбек ва қирғиз адиб ва шоирлари асарлари икки қардош халқ тилларида нашр этилди.

Адабий ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш учун ҳозирги пайтда

доимий ишлаб турувчи мулоқот майдончаси яратиш мақсада мувофиқ, деб биламан. Икки тарафлама адабий алоқаларни кўп тарафлама ҳамкорликка айлантириш энг долзарб масалалардан биридир. Хусусан, ШХТ давлатлари адиблари ассамблеясини тузиш лозим. Йилда бир бора замонавий етук адиб ва шоирлар ассамблея майдонида тўпланиб, таржималар режалаштиришлари, тажриба алмашишлари, ўзаро ютуқларидан бир-бирини бохабар қилишлари, ижодий алоқалар ўрнатишлари, биргалиқда китоблар ёзишни йўлга қўйишлари даркор. Бу маданий-адабий ҳамкорликни ривожлантиришга катта туртки бўлади, деб қатъий ишонаман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят қўмўткер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жўхатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-964.
81594 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳх: Малухат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 02.55